



# ТОШКЕНТ

# 2020 ЙИЛ 13 ФЕВРАЛЬ, ПАЙШАНБА

# ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 22 [14.073]

Баҳоси эркин нарҳда

## МАҲАЛЛА – ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИК, ОБОДЛИК ВА ФАРОВОНЛИК МАРКАЗИГА АЙЛНАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 12 февраль куни маҳалла тизимини такомиллаштириш, маҳаллаларда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Маҳалла тизими жамиятимизнинг энг муҳим ва таянч бўлини ҳисобланади. Кейинги уч йилда уни ривожлантириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Хусусан, маҳалла институтига оид 38 та қонун ва меъёрий ҳужжат қабул қилинди, 50 дан ортғи такомиллаштирилди. Жамият ҳаётида жонбозлик кўрсатган соҳа ходимлари давлат мукофотлари билан тақдирланди. Фуқаролар йиғинлари раислари ва масъул котибларининг ойлик иш ҳақи ўтган йилнинг ўзига 1,5 баробар оширилди.

Сўнгги уч йилда 624 та маҳалла идораси янгидан қурилди, 2 минг 265 таси реконструкция қилинди ва таъмирланди. 102 та туман ва шаҳар марказида "Маҳалла маркази" мажмуалари барпо этилди. Ҳар бир фуқаролар йиғинида "Кексалар маслаҳати" гуруҳлари, 4 мингдан зиёд маҳалла биноларида кутубхоналар ташкил қилинди.

Маҳалла фаолларининг масъул ташкилотлар ва профилактика инспекторлари билан ҳамкорлигида охириги уч йилда 87 мингга яқин кам таъминланган оила эҳтиёмандлик даражасидан чиқарилди.

Президентимиз маҳалла тизимини ҳамда, давлат ҳам тўла рози эълоғини, бу соҳада камчилик ва долзарб масалалар кўплигини таъкидлади.

Хусусан, маҳаллаларда 18 мингдан ортқ ходим фаолият кўрсатиб келаятган бўлса-да, уларнинг иши самарали ташкил этилмаган. Оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитга азалий таъсир кўрсатувчи ҳолатларнинг олдини олиш бўйича тизим йўлга қўйилмаган. Оқибатда айрим маҳаллаларда нотинч оилалар, ҳуқуқбузарликлар кўпайган. Шунингдек, хотин-қизлар ва вояга етмаганлар орасида ўз жонига суиқасд қилиш ҳолатлари учраётгани жуда ачинарли.

Йиғилишда оилавий ажримлар, ёшлар саломатлиги, эрта туғруқлар, маънавий-ахлоқий тарбия билан боғлиқ муаммолар қайд этилди.

– Оила – муқаддас деган азалий ва эзгу ғоя қадр-сизланиб, минг йиллик миллий қадриятимиз эз-завол топар экан, бу каби огрикли ҳолатларни камайтириб бўлмайди. Бунинг учун маҳалла катта ижтимоий куч сифатида майдонга чиқиши керак. Чунки фаоллар, кўпни кўрган оқсоқоллар, тажрибали нурунийларимиз, агар истаса, жамоатчилик билан биргаликда ҳар қандай муаммони ҳал қилишга, хато қилган ёшларни тўри йўлга солишга қодир, – деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда маҳаллаларнинг ўзида ҳам қатор муаммолар борлиги қайд этилиб, уларни қўллаб-қувватлаш, маҳалла идораларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Масалан, бугунги кунда 1 минг 234 та фуқаролар йиғини турли ташкилотлар ёки тадбиркорларга тегишли биналарда жойлашган. Яна мингдан зиёди ижтимоий муассасаларда, 78 таси қўшни маҳалла йиғинлари биналарида фаолият кўрсатмоқда, 48 та маҳалла биноси авария ҳолатида. Маҳалла биналари учун коммунал тўловларни тўлаш бўйича мақбул ва ягона тартиб ишлаб чиқилмаган.

Маҳалла тизимида кадрлар қўнимсизлиги оддий ҳолга айланган. Маҳалла ходимларини уларга боғлиқ бўлмаган ишлар, йиғилиш ва бошқа тадбирларга жалб қилиш тақиқланган бўлса-да, бу борада сезиларли ўзгариш бўлмаган.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари зиммасига 200 дан ортқ вазифа юклаган. Лекин бор-йўғи 2 та штат бирлиги билан шунча вазифани бажариш мумкин, деб ўйлаб қўрилмаган. Ҳеч бир ҳоким ёки кен-

гаш маҳаллалар фаолиятининг самарадорлигини ошириш масаласини муҳокама қилмаган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлиси яқинда йўллаган Мурожаатномасида маҳалла тизимини ўзгартириш, "Обод ва хавфсиз маҳалла" таъминини жорий қилиш зарурлигини таъкидлаган эди.

Видеоселектор йиғилишида ана шу таъминини амалга ошириш, маҳалла тизимини ислоҳ этиш масалалари атрофида муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари маҳаллаларда тўлланиб қолган муаммо ва камчиликларга самарали ечим топиш, тинчлик-осойишталикни асраб-авайлаш йўлида барча саъй-ҳаракатларни бирлаштириш шартлигини таъкидлади. Ушбу улкан соҳага масъул алоҳида давлат идораси – Маҳалла ва оила масалалари вазирлигини ташкил этиш тақдирини билдирди.

Қайд этилганидек, янги вазирлик маҳалладан тортиб республика даражасигача 40 мингдан ортқ ходимни бирлаштиради ва уларнинг "бир ёқадан бош чиқариб", ягона мақсад йўлида фаолият кўрсатишини таъминлайди. Бир сўз билан айтганда, жойларда муаммоларни ҳал қилишнинг яхлит ва таъсирчан вертикал тизими яратилади.

Вазирнинг биринчи ўринбосари оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалаларга масъул этиб белгиланади. Вазирнинг яна бир ўринбосари кексаларни ижтимоий рағбатлантириш, ёшларда ватанпарварлик туйғусини мустаҳкамлаш масалалари билан шуғулланади. Оилавий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш, томорқа ва ободонлаштириш, экология, бандликка кўмаклашиш масалаларига масъул ўринбосар лавозими жорий этилади.

Вазир "Маҳалла" жамғармасига, вазирнинг биринчи ўринбосари "Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш" жамоат фондига, Кексалар ва фарийлар бўйича ўринбосар "Нуроний" жамғармасига раислиқни ҳам бажаради.

Вазирликнинг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари бошлиқлари ҳоким ўринбосари ҳисобланади. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи ҳудудлардаги ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари даражасига кўтарилади. Маҳалла ва оила масалалари вазирлиги Ички ишлар вазирлиги билан узвий ҳамкорликда ишлайди.

Янги тузилмада хотин-қизлар билан ишлашга устувор аҳамият қаратилади. Шу вақтга қадар хотин-қизлар кўмиталарида, маҳаллаларда меҳнат қилиб келаятган аёллар тузилмада фаолиятини давом эттиради, уларнинг маънавий, моддий шарт-шароитлари ва иш ҳақи ҳам сезиларли оширилди.

Маҳалла раисининг ваколат мuddати уч йилдан беш йилга ўзгартирилди. Унинг уч нафар ўринбосари лавозими жорий этилади. Профилактика инспектори эндиликда маҳалла раисининг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосари бўлиб ишлайди. У ҳам 5 йил мuddатга тайинланади.

Маҳаллалардаги турли йўналишлар бўйича ташкил этилган, бироқ қўрилган самарани бермай келаятган 12 та жамоатчилик комиссияси ва тузилмалари ҳам мақбуллаштирилди.

Йиғилишда маҳалла институтининг иқтисодий-моллиявий асосларини мустаҳкамлаш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Жорий йил 1 мартдан маҳалла раиси ва унинг ўринбосарлари ойлик иш ҳақи ўртача 1,35 баробар оширилиши белгиланди.

Маҳалла ходимлари ҳамда профилактика инспекторлари фаолиятини баҳолашнинг ягона мезони ишлаб чиқилди ва самарадорлик рейтингини жорий

қилинади. Барчага ўрнатилган маҳаллалар аниқлашиб, муносиб рағбатлантириб борилади.

"Ҳар бир оила – тадбиркор", "Ёшлар – келажагимиз", "Хунармандчилик" дастурлари доирасида маҳаллаларга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун арзон кредит маблағлари ажратилади. Бу маблағлар ҳисобига сартарошхона, новвойхона, шунингдек, хунармандчилик, тикув, қандолатчилик цехлари, оталар чойхонаси, гузарлар ташкил этилади.

Молия вазирлигига маҳаллаларни қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий-молиявий асосларини пухта ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Мутасадди вазирлик ва идораларга маҳаллаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, улар фаолиятига замонавий ахборот ва рақамли технологияларни жорий этиш бўйича топшириқлар берилди.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари эндиликда "Обод ва хавфсиз маҳалла" таъминини амалиётга жорий этиш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги ва осойишталикни таъминлаш, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш, томорқалардан унумли фойдаланиш, ер участкаларини ноқонуний эгаллашнинг олдини олиш, ҳудудни ободонлаштириш каби масалалар билан шуғулланиши таъкидланди.

Фуқаролар йиғинларининг фаолиятига хос бўлган 50 дан ортқ вазифа бекор қилиниши, профилактика инспекторларига юклатилган ортқча топшириқлар ҳам кескин қисқартирилиши белгиланди. Маҳалла раисига қўшимча ҳуқуқлар берилиб, макроми ва обрўси кучайтирилиши қайд этилди.

Мутасаддиларга "Обод ва хавфсиз маҳалла" таъминини амалга ошириш бўйича тизимини жорий этиш, маҳаллага ва қадриятларимизга ҳурмат туйғусини шакллантирадиган саҳна асарлари ва бадиий фильмлар яратиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича таъсирчан тизимини шакллантириш мақсадида профилактика инспектори кўриб чиқадиган маъмурий ҳуқуқбузарликлар сонини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Ички ишлар вазирлигига профилактика инспекторларига яратилган шароитларни ўрганиб, таянч пунктларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш вазифаси қўйилди. Шу билан бирга, профилактика инспекторлари фаолиятини танқидий кўриб чиқиб, бу вазифага муносиб ходимларни тайинлаш бўйича топшириқ берилди.

Давлат-хусусий шериклик шартлари асосида фуқаролар йиғинлари мажмуаларини қуриш, бўш турган биналарга маҳалла идораларини жойлаштириш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилади.

Маҳаллаларда аҳолилик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, ёш авлодда ватанпарварлик, меҳнатсеварлик туйғуларини мустаҳкамлашда кексалар тажрибасидан фойдаланиш муҳимлиги таъкидланди.

Маҳалла ва оила масалалари бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар қўламини кенгайтириш ҳамда амалиётга жорий этиш мақсадида "Оила" ва "Маҳалла зиёси" марказлари негизида "Маҳалла ва оила" илмий-тадқиқот институтини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари маҳаллалар миллий менталитетимиз кўзгуси эканини, жамият ҳаётида катта ўрин тутганини таъкидлар экан, Наврўз байрамига ҳамоҳанг тарзда 22 март санасини "Маҳалла тизими ходимлари кунини" деб эълон қилишни тақдир қилди.

Видеоселектор йиғилишида муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддилар ахборот берди, нурунийлар ва фаоллар фикр билдирди.

ЎЗА

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 февраль куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Сўхбатда давлат раҳбарлари кўп қиррали Ўзбекистон – Россия ҳамкорлиги жадал ривожлантаётгани ҳамда стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари изчил мустаҳкамланаётгани катта мамнуният билан қайд этдилар.

2019 йилда ўзаро ҳамкорликда салмоқли амалий натижаларга эришилгани ва барча даражадаги мулоқотлар сезиларли фойдаланиш алоҳида қайд этилди.

Хусусан, икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми юқори суръатлар билан барқарор ошмоқда. Бир йилнинг ўзига 500 қўшма корхона ташкил этилди, Россиянинг етакчи компания ва банклари иштирокида иқтисодийнинг муҳим тармоқларида устувор инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Таълим ва маданий-гуманитар соҳалардаги алмашинувлар кенгаймоқда.

Мулоқот чоғида олий даражадаги тадбирлар режаси муҳокама қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Россия Федерациясига давлат ташири кун тартибининг тайёрлаш, жумладан, ташири доирасида навбатдаги ҳудудлар ва ректорлар анжуманларини, медиа-форум ва бошқа тадбирларни ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди.

Мамлакатимизнинг Муқтади Давлатлар Ҳамдўстлигига раислиги йилида Ўзбекистон ва Россия ҳамкорлиги истиқболлари кўриб чиқилди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎЗА

## ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР МИНТАҚАВИЙ АҲАМИЯТГА ЭГА

**Ҳиндистон оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасидаги асосий фикрларни ёритишда давом этмоқда.**

Хусусан, "The Economic Times" газетаси ўзининг интернет-нашрида "Ўзбекистондаги ислохотлар: Марказий Осиёдаги ҳинд қўшничилиги сиёсатининг калити" сарлавҳали мақола чоп этилди.

Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши бутун минтақа учун ижобий таъсир кўрсатади ва бу ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга интилаётган Ҳиндистоннинг узоқ мuddатли манфаатларига жавоб беради, деб таъкидланган мақола муаллифи.

Материалда Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлари даражасида янги минтақавий ме-

ханализм – "Ҳиндистон-Марказий Осиё" мулоқотини яратишда хал қилувчи роль ўйнагани қайд этилган.

"Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар нафақат минтақанинг марказий давлати, балки Марказий Осиёнинг келажагини ҳам шакллантирмоқда", деб ёзади муаллиф.

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг фаол минтақавий сиёсати самарасида қўшни мамлакатлар ўртасидаги амалий ҳамкорликни ривожлантиришда салмоқли натижаларга эришилди.

(Давоми 2-бетда)

## ХИТОЙГА ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ ЖЎНАТИЛДИ

**Ўзбекистон Хитойнинг коронавирусга қарши курашиш ва уни бартараф этиш йўлида амалга ошираётган ишларини юқори баҳолайди. Хавфли офатни енгиш йўлидаги бундай саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев шу йил 11 февраль куни Хитой Халқ Республикасига инсонпарварлик ёрдами юбориш тўғрисидаги фармойишга имзо чекди.**

Хитой Ўзбекистоннинг энг яқин ҳамкорларидан. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик даражасига кўтарилган. Бу икки давлат раҳбарларининг қатъий иродаси, ташаббуси тўғрисида.

Ававалор Президент Шавкат Мирзиёев ХХР Раиси Си Цзиньпинга мурожаат йўллаб, ўзбек халқи Хитойни ҳар қандай вазиятда қўллаб-қувватлаши, бирдамлик изхор қилишини таъкидлаган эди. Давлатимиз раҳбари сўзларининг исботи сифатида 12 февраль куни Хубей про-

винциясига зарур маҳсулотлардан иборат гуманитар ёрдам юборилди.

Хубей провинциясида коронавирус аниқланган дастлабки кунлардан оқ Хитой ҳукумати ва халқи мамлакат раҳбари Си Цзиньпин бошчилигида мазкур касалликка қарши курашиш борасида қатъий ва мақсадли чораларни кўрмоқда. Бугунги кунга келиб муайян натижаларга эришилди. Таъкидлаш жоиз, ҳозир вазият хал қилувчи аҳамиятга эга.

(Давоми 2-бетда)



● Жарқўрғон туманидаги "Жарқўрғон" ташқи иқтисодий фаолият божхона пости янги маъмурий биноси фойдаланишга топширилди. Барча шaroитларга эга янги бинода иш бошлаган "Жарқўрғон" ташқи иқтисодий фаолият божхона пости ходимлари ўтган йили 42 миллион 369 минг доллар қийматидаги турли маҳсулотнинг экспорт ҳужжатларини расмийлаштирган. 19 миллиард 897 миллион 950 минг сўмлик божхона тўловларини ундириб, давлат бюджетига ўтказган. 25 та контрабанда ва божхона қонун бузилиш ҳолатининг олди олиниб, қонуний чоралар кўрилган.

● Вазирлар Маҳкамасининг "Самарқанд шаҳрининг 2040 йилгача бўлган даврга мўлжалланган бош режасини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори лойиҳаси эълон

қилинди. Самарқанд шаҳрининг бош режасининг асосий кўрсаткичлари Самарқанд маҳаллий тизимини туристик, маъмурий-хўжалик, илмий, маданий ва sanoat маркази каби унинг янада барқарор ривожланишини кўзда туттади.

● Оролбўйи ҳудудда "Оролдаги боғим" агро ва экотуризм лойиҳаси амалга оширилди. Давлат раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Оролбўйи халқаро инновацион марказининг фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Халқаро инновацион маркази ва Инновацион ривожланиш вазирлигининг Орол денгизи қурилиш оқибатларини бартараф этиш ҳамда сайёҳлар сонини кўпайтиришга қаратилган "My garden in the Aral Sea" ("Оролдаги боғим") агро ва экотуризм лойиҳасини амалга ошириш тўғрисидаги тақлифига розилик берилди.

● Ўзбекистон туризм, экскурсия ва бизнес мақсадлари учун вертолётлар харид қилади. Яқин орада муайян миқдорда янги ва замонавий, фарб моделидаги вертолётлар харид қилинади. Улар айнан туризмни ривожлантириш, бизнес хизматларини кўрсатиш, экскурсия сафарларини амалга ошириш учун хизмат қилади.



● "National Interest" журнали дунёни 30 дақиқа ичида йўқ қилишга қодир бешта сув ости кемаларини маълум қилди. Улардан учтаси Россияга, икkitаси эса Америкага тегишли. Рейтингда Россиянинг "Борей", "Дельфин" ва "Ясень-М" сув ости баллистик ракеталари ўрин олган. Мақола муаллифлари "Борей" сув ости кемасини "энг шовқинсиз сув ости кемаси" деб аташган. Мақолада "Дельфин" ва "Ясень-М" 2 минг километрга Американинг қирғоқларига яқинлашиши ва шу масофадан Буюк қўлларга қадар бўлган нишонларни йўқ қилиши мумкинлиги айтилган.

● Испаниялик пархезшунос-шифокор эрта қаришни олдини олиш юзасидан ўз тавсияларини берди. Қаришга қарши чоралар ҳақида гапирилганда, биз одатда жисмоний машқлар зарурлигига эътибор қаратамиз, ammo энг асосийси – соғлом овқатланиш билан биргаликда тўғри пархез ҳақида унутамиз. Булар биргаликда танамиздаги оксидланиш стрессини ва организм ҳужайралари қаришини секинлаштиради. Шифокор овқатланишда янги мавсумий мева ва сабзавотлар, дуккакли ўсимликлар, ёнғоқлар, ачитилган (ферментланган) сўт маҳсулотлари – масалан, йогурт ёки кефирни асос қилиб олишни маслаҳат берди.

# ГЕРМАНИЯ ИШБИЛАРМОНЛАРИ ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТАДИ

**Германия иқтисодиёти Шарқий кўмитаси (ГИШК) сайтида жорий йил 5-6-март кунлари Тошкентда бўлиб ўтадиган халқаро инвестиция форуми ҳақида мақола эълон қилди. Материалда Ўзбекистоннинг бугунги ривожланиш босқичи таҳлил қилиниши баробарида немис компаниялари ушбу тадбирда фаол иштирок этишга чақирилган.**

Шарқий кўмита 1952 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳозирги кунда Марказий, Шарқий ва Жанубий-Шарқий Европа, Жанубий Кавказ ва Марказий Осиёдаги мамлакат билан ҳамкорликка немис бизнеси жалб этиш учун йирик минтақавий ташаббускор ҳисобланади.

Кўмита таркибига Германия иқтисодиётининг етакчи бирлашмалари кирди. Германия сананоати (BDI), Германия банклари (Банклар иттифоқи), Улгуржи, ташқи савдо ва хизматлар (BGA), Германия хунармандчилик (ZDH) федерал уюшмалари, шунингдек,

10 мингдан ортиқ компания аъзо бўлган савдо-саноат палаталари, суғурта бизнеси ташкилотлари шулар жумласидандир.

Бундай миқёсдаги халқаро форум Ўзбекистон пойтахтида илк бор ўтказилмоқда. Унда 1,5 мингга яқин ишбилармон ва молия доиралари вакиллари, иқтисодиёт соҳаси мутахассислари иштирок этиши кутилмоқда. Анжуман ҳаёндаги етакчи халқаро оммавий ахборот воситалари томонидан ёритилади, деб хабар қилинган мақолада.

**“Дунё” Берлин**

**“Ўзбектелеком” акционерлик компанияси журналистлар учун Ўзбекистоннинг дастлабки маълумотнома хизмати ҳисобланувчи Чақириқларга хизмат кўрсатувчи ягона марказнинг (ЧХКЯМ) янги биносида танишув пресс-турини ўтказди.**

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ БИРИНЧИ CALL-МАРКАЗИ ЯНГИ БИНОГА КЎЧИБ ЎТДИ

ЧХКЯМ бошлиги Шаҳноза Шукророванинг сўзларига кўра, Тошкентда биринчи маълумотнома хизмати 75 йил аввал пайдо бўлган ва унда “09” хизмати деб аталар эди. Унда операторлар кўлда хизмат кўрсатиш орқали иш юритарди. Барча маълумотлар қоғоз шаклида сақланар ва керакли маълумот қоғоз картокалардан олинарди. Фақат 2003 йилдан бошлаб операторларнинг иш жойини автоматлаштириш бошланди. 2009 йилда “Протей” компанияси ускуналари негизда “09” маълумотнома хизмати барча халқаро талабларга жавоб берадиган замонавий call-марказга айлантирилди. Шундан сўнг статистика маълумотларининг янада сифатли ҳисобини юритиш ва бутун тизимнинг ишини яхшилаш имкони пайдо бўлди.

Call-марказнинг интеллектуал платформасидан фойдаланиш маълумотнома-ахборот хизматлари спекторини кенгайтириш ва замонавий интеллектуал хизматлари жорий қилиш имконини берди. Пресс-тур давомида журналистлар эътиборига янги call-марказ фаолиятига бағишланган тақдирот ҳавола қилинди.

Чақириқларга хизмат кўрсатувчи ягона марказни (ЧХКЯМ) ташкил қилиш бўйича лойиҳани амалга оширишнинг босқичларидан бири унинг кенгайтирилиши кўзда тулади. Бу иш доирасида мамлакатнинг турли ҳудудларида чақириқларга хизмат кўрсатиш бўйича 13 та марказ ташкил қилинди. Уларнинг ҳар бири 10 иш ўрнига мўлжалланган бўлиб, техник жиҳатдан бир пайтда 60 дан ортиқ кўнгиракчи қабул қилиш имкониятига эга бўлади.

Ҳозирги пайтда ЧХКЯМ туну кун хизмат кўрсатмоқда, айни пайтда нафақат “Ўзбектелеком” акционерлик компанияси абонентларига хизмат кўрсатади, балки кўпроқ аутсорсингга йўналтирилган. Унинг ходимлари давлат органлари, вазирликлар ва йирик компанияларга мурожаатларни қабул қилади ва уларга ишлов беради.

Жумладан, фақат Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига ҳар

ойда 120 мингдан зиёд теле-фаолиятига бағишланган тақдирот кўнгираги амалга оширилади.

Call-марказ ташкил қилинган пайтда 7 ерда жами 129 нафар ходим ишлаган. Ҳозирги пайтда бу ерда 600 дан зиёд оператор ишламоқда. Айни пайтда мурожаатларнинг сони ҳам ортди. 2018 йил давомида операторлар томонидан уч миллиондан ортиқ кўнгиракчи хизмат кўрсатилган бўлса, 2019 йилда уларнинг сони 13 миллиондан ошди. Ҳар кун call-марказга 40 мингдан ортиқ кўнгиракчи тўшади.

Бундай хизматларга ортиб бораётган талабларни ҳисобга олиб, ЧХКЯМ янги биного кўчиб ўтди ва ўзининг моддий-техник базасини яхшилади. Ходимларнинг меҳнати ва дам олиши учун барча зарур шaroитлар яратилган, замонавий талабларга жавоб берадиган хизматлар, дастурий таъминот ўрнатилган.

Пресс-тур якунида журналистлар операторлар билан суҳбатлашиб, абонентлар билан олиб бориладиган ишларнинг ўзига хос жиҳатлари билан танишди. **Роман БОНДАРЧУК**

# ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР МИНТАҚАВИЙ АҲАМИЯТГА ЭГА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мақолада Ўзбекистон Президенти томонидан мамлакатни янада ривожлантириш бўйича билдирилган ташаббуслар тўғрисида маълумот берилган. Жумладан, “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш асосий ташаббуслардан бири бўлиб, бу мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини янада оширишда муҳим қадамдир”, деб ҳисоблайди муаллиф.

Шунингдек, “Political Events” ахборот-таҳлилий нашрининг навбатдаги сонида “Ўзбекистон Президенти 2020 йил учун ривожланишнинг асосий мақсадларини белгилаб берди” сарлавҳали мақола эълон қилинди.

“Янги Ўзбекистон — янги сайловлар” шиори остида парламент сайловлари муваффақиятли ўтказилгандан сўнг, 24 январь кун Президент Шавкат Мирзиёев янги таркибдаги парламентга Мурожаатномасини тақдим этди ва мамлакатни 2020 йилда ривожлантиришнинг асосий мақсадларини белгилаб берди, деб ёзади журнал. Мақолада Ўзбекистон Президентининг рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат, “Рақамли Ўзбекистон 2020” дастури, илм-фан ва таълимни қўллаб-қувватлаш борасидаги гоғялари батафсил таҳлил қилинган. “Асосий мақсад — Ўзбекистонни фақат фаол ишловлар, таълим ва инновацияларни ривожлантириш орқали ривожланган давлатга айлантириш мумкин”, деб таъкидланади материалда.

Шунингдек, ижтимоий соҳада қўйилган мақсадлар, коррупцияга қарши курашиш бўйича муқабил органи ташкил этиш тўғрисида ҳам шарҳлар берилган.

“Ўзбекистон Президенти янги парламентнинг асосий мақсади халқ ҳаётини яхшилаш бўлиши кераклигини таъкидлади”, деб ёзади “Political Events” журнали.

**“Дунё” АА Дехли**

# Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ УЧУН ЯНГИ ТЎПЛАМ ТАҚДИМОТИ

**Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентларо алоқалар кўмитаси “Тараққиёт стратегияси” маркази билан ҳамкорликда “Парламентлар ва барқарор ривожланиш мақсадлари” номли янги илмий тўплам тақдимот маросимини ўтказди.**

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар масъул ходимлари, “Тараққиёт стратегияси” маркази вакиллари, олимлар, мутахассислар иштирок этди.

Қайд этилганидек, мазкур илмий тўпланда Ўзбекистоннинг яхши ҳаёт ҳамжамиятида мустаҳкам ўрин эгаллагани ўз ифодасини топган. Утган даврда БМТ, ЮНЕСКО, ЕХХТ, ЕИ, ИХТ, ШХТ, МДХ каби халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Президентимиз томонидан 2017 йил 7 февралда тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси кейинги даврда ўзининг туб моҳиятига кўра Ўзбекистонда сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий ҳамда иқтисодий, маданий-маърифий ислохотларнинг стратегик дастурига айланди.

Депутатлар Ҳаракатлар стратегияси БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларини бажариш бўйича Ўзбекистоннинг миллий “Йўл харитаси” сифатида хизмат қилаётганини таъкидлади. Ушбу дастурамал ҳужжат ва унинг устувор йўналишлари барқарор тараққиётни миллий даражада муваффақиятли рўбга чиқаришга қаратилган.

Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси биринчи йиғилишидаги нутқида Қонунчилик палатаси бундан бунён БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларини бажариш бўйича вазирлар ҳисоботларини эшитишни йўлга қўйиши лозимлигига алоҳида тўхталиб ўтган эди. Шунингдек, яна бир муҳим масала — Ўзбекистон инсон ҳуқуқларига оид 70 дан ортиқ халқаро шартномага қўшилгани, мазкур йўналишда БМТнинг устоз органларига Ҳукумат мунтазам равишда миллий ҳисоботлар бериб келаётганига эътибор қаратар экан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Қонунчилик палатаси ролини ошириш, халқаро ташкилотлар тавсиялари ижросини ташкил этиш, “Йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш ва ижро этиш ҳам қуйи палатанинг диққат марказида бўлиши кераклигини қайд этди.

Тақдимот маросимида “Парламентлар ва барқарор ривожланиш мақсадлари” номли тўпланда Ўзбекистон Ҳукумати томонидан 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифалар қабул қилиниб, уларни амалга ошириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил қилингани ҳамда “Йўл харитаси” тасдиқлангани алоҳида кўрсатилгани айтиб ўтилди. Шунингдек, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш юзасидан Ўзбекистоннинг илмий ҳисоботини тайёрлаш, уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий кенгашига тақдим қилиш кўзда тутилган.

Тадбир иштирокчилари эътироф этганидек, Ўзбекистон халқаро муносабатларининг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида бундан бунён ҳам БМТнинг устоз ва шартномавий органлари, махсус механизмлар билан инсон ҳуқуқлари ва эркинликлар соҳасида халқаро стандартларни жорий қилиш масалалари бўйича халқаро ҳамкорлигини янада ривожлантиришда. Шунингдек, БМТга аъзо бўлган бошқа давлатларда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги вазиятнинг халқаро ва миллий мониторингини тақомиллаштиришда фаол иштирок этади.

— Мазкур тўплам миллий парламент аъзолари, ҳуқуқшунос мутахассислар ва талабалар, умуман, кенг китобхоналар учун мўлжалланган, — дейди Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов. — Унда Барқарор ривожланиш мақсадлари нима, деган саволга аниқ ва қизқаркли маълумотлар орқали атрафлича жавоб берилган. Қўлланмада тақлиф этилаётган усул ва воситалар парламент аъзоларига ўз фаолиятини самарали йўлга қўйиб, камчилик ва имкониятларни аниқлаб олишга ёрдам беради. Энг муҳими, қўлланмадаги асосий бўлимлар савол-жавоб тарзида баён этилгани унинг мазмун-моҳиятини ўзлаштиришни янада оsonлаштиради.

Қўмита аъзолари томонидан ушбу тўпланиннг вазирлик, идора ва ташкилотлар, кенг жамоатчилик орасида тарғиботини ташкил этиш бўйича тегишли вазифалар белгиланди. Ўзбекистонда Барқарор ривожланиш мақсадлари дастури ижросининг назоратини олиб бориш юзасидан аниқ чора-тадбирларни амалга оширишга келишиб олинди.

**Абдулазиз МУСАЕВ**

# Бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида кўплаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Хусусан, яқунланган 2019 йил давомида божхона соҳасида қабул қилинган муҳим ҳужжатлар ҳамда амалиётга жорий қилинган янги тартиб-таомиллар ташқи иқтисодий фаолиятни янада либераллаштириш, маҳаллий ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, экспортга маҳсулот етказиб беришни кўпайтириш, шунингдек, мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Жумладан, 2019 йил давомида бевосита ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш йўналишида 10 дан ортиқ Президент Фармон ва қарорлари ҳамда Ҳукумат қарорлари қабул қилинди.

2019 йилнинг 1 февралидан бошлаб тадбиркорларни божхона соҳасида қўллаб-қувватлашга, рағбатлантиришга қаратилган янги тушунча — юридик шахслар учун “ваколатли иқтисодий оператор” мақоми жорий қилинди.

Бир сўз билан айтганда, қонунга итоткор тадбиркорлар қўшимча ваколатлар, энгилликлар билан қўшимча рағбатлантирилди. Масалан, уларнинг товарлари божхонада бирон бир навбатлариса, божхона тўловларини кечқатириб тўлаш имконияти берилган ҳолда расмийлаштирилди, юкларни эса тўғридан-тўғри ўзларининг омборларига туширишга ружасат берилди.

Маълумки, 2018 йилда товар ва транспорт воситаларини божхона назоратидан ўтказиш учун махсус “сарик” ва “қизил” йўлақлар ишга туширилган эди. 2019 йилнинг 1 мартидан бошлаб эса “яшил” ва “кўк” йўлақлар ҳам амалиётга жорий қилинди. Натижанда, ўтган даврда Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг ташқи иқтисодий фаолият божхона постларида жами товар ва транспорт воситаларининг атиги 39 фоизи “қизил” йўлак орқали тўлиқ божхона назоратидан ўтказилган бўлса, 43 фоизи “сарик”

йўлак орқали фақатгина ҳужжатли текширувдан ўтказилган ва 18 фоизи умуман божхона назорати шакллари қўлланилмаддан “яшил” йўлак орқали расмийлаштирилиб, тўғридан-тўғри чиқаришга ружасат берилган.

Хавфни автоматлаштирилган бошқариш тизими товарлар божхона чегараси орқали олиб ўтилаётганда божхона операцияларини

Божхона маъмурчилигини тақомиллаштириш ва божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш, божхона органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, бизнесни ривожлантириш йўлида буюроқратик тўсиқларни бартараф этиш ва мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилашга қаратилган тадбирларни изчиллик билан давом эттириш вазифа-

# ИСЛОҲОТЛАР ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

нинг ўтказилишини тезлаштириб, божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишларини аниқлаш, прогноз қилиш ва уларнинг олдини олишда муҳим роль ўйнамоқда.

Рақамларга мурожаат қилсак, Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг ташқи иқтисодий фаолият божхона постларида 2019 йил давомида 3,9 млрд. АКШ доллари қийматидаги товарлари экспортга расмийлаштирилди. Ушбу давр мобайнида 270 мингдан ортиқ божхона юк декларациялари расмийлаштирилиб, шундан 80 минг 500 га яқин божхона кўриқлари ўтказилди. Хавфни бошқариш тизими амалиётга жорий этилиши муносабати билан қарийб 113 миллиард сўмлик божхона тўловлари йўқотилишининг олди олинишига эришилди.

Шунингдек, бошқарма ходимлари томонидан амалга оширилган тезкор тадбирлар натижасида 2508 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланди, 32,1 миллиард сўмлик товар-моддий бойликлар ашёвий далил сифатида ушлаб қолинди.

лари 2020 йил учун мўлжалланган “Йўл харитаси”да ҳам акс эттирилган.

Тизимда олиб борилаётган ислохотларнинг жорий йилдаги энг ёрқин намуналаридан бири — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 ноябрдаги “Мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида ташкил этилган “Ягона дарча” божхона ахборот тизимининг амалиётга жорий қилинганлигидир.

Ушбу қарорга асосан 2020 йилнинг 1 февралидан бошлаб, экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда талаб этиладиган ружасат этиш хусусиятига эга барча ҳужжатлар ва сертификатларни “Ягона дарча” божхона ахборот тизими орқали расмийлаштириш назарда тутилган бўлиб, амалда 2020 йилнинг 1 январидан эътиборан мазкур тизим — www.singlewindow.uz манзилида ишга туширилди.

“Ягона дарча” божхона ахборот тизимини

# Ёшлар — эртанги кунимиз эгалари. Бу сўз замирида чуқур маъно ифодаланганки, Ватан истиқболи ана шу ёшларнинг қай даражада камол топганлиги билан белгиланади. Бугун ёшлар ҳар томонлама билимга эга, салоҳиятли бўлиб вояга етишмоқда.

# ТАШАББУСКОР ЁШЛАР БИРЛАШДИ

Куни кеча пойтахтимиздаги Ёшлар марказида ўтказилган тадбир айнан ёшлар иштирокида бўлиб ўтгани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Ўзбекистон “Адолат” СДП Сийёсий Кенгаши ҳамда Тошкент шаҳар Кенгаши вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувда ёшларга оид партия сайловолди дастурида илгари сурилган устувор гоғялар ҳамда уларнинг амалий ҳаётда ақс этаётганлиги хусусидаги фикрлар айтиб ўтилди. Шунингдек, тадбирда кўплаб таниқли санъаткорлар, маданий-маърифат соҳаси вакиллари ҳам иштирок этди.

Дарҳақиқат, бундан 2-3 ой олдин партия ўзининг ҳаётбахш гоғялари орқали халқ қалби янада чуқурроқ кириб борди. Халқ “Адолат”нинг адолатли гоғялари ортидан эргашди. Гарчанд кимлар учундир амалга ошиши ҳаёлий деб ҳисобланган сўзлар мана, бугун ҳаётда ўз амалий ифодасини топиб турибди. Давлатимиз раҳбарининг Парламентга Мурожаатномасида айтилган жумлаларда “Адолат”нинг нафасини аниқ ҳис этиш мумкин. Партия Сийёсий Кенгаши раиси Наримон Умаров шу ҳақда сўзлар экан, ёшларнинг таълим олишга имкониятлари икки баробар ортаётганини, эндиликда ҳар икки абитуриентдан бири талаба бўлиш имкониятини кўлга кирита олишини мамнуният билан сўзлади: “Энг муҳими, партиянинг халққа берган ваъдалари амалга ошмоқда. Халқ ишончини оқлашдек олий олқишга сазовор бўлди. Энди асосий талаб — ёшларга берилган ушбу

имкониятларга лойиқ бўлиш, ўз устида тинимсиз изланиб, ўқиб-ўрганишдир”.

Шу билан бирга, партия Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Баҳром Валиев, депутатлар, Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Минҳожиддин Мирзозар ҳам ёшларга ўзларининг илқ ва самимий фикрларини баён этишди.

Асосан талаба-ёшлар қатнашган учрашувда улар томонидан илғор гоғя ва тақлифлар ҳам янграб ўтди. Шундай тақлифлардан бири қонунлар ишлаб чиқишини ва унга тақлифлар киритишда ёшлар учун алоҳида жамоатчилик портали ташкил этиш зарурлиги ҳақидаги гоғя ахамиятли бўлди. Мазкур гоғялар эътиборга олинган ҳолда келгусида Парламентга тақлиф сифатида киритилиши белгиланди.

Эришилган ушбу натижалардан руҳланган талабалар партияга хайрхоҳлиги тобора ортиб, шу ернинг ўзида янги бошлангич партия ташкилотига бирлашдилар. Ўз навбатида БПТ раиси этиб Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайланган энг ёш депутат, Тошкент давлат техника университети магистранти Бехзод Тўхтамуродов бўлиши белгиланди.

Тадбир сўнгиде ташкилотчилар томонидан иштирокчиларга сара адабиётлар намуналаридан китоблар жамланмаса тўхфа этилди.

**Меҳринисо БОБОНАЗАРОВА, Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот котиби**

# ХИТОЙГА ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ ЖЎНАТИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Айнан мана шундай кунларда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Хитой халқи инсонпарварлик ёрдами кўрсатилиши ҳар биримизни тўлқинлантиради, — дейди ХХРнинг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Цзянь Янь хоним. — Хитойликларда шундай гап бор: “Дўстлар бир-бирига оғир кунда ёрдам бериши керак”. Бу ўзбек халқининг “Дўст кулфатда биланар” деган мақоли билан ҳамоханг. Биз Ўзбекистон ҳукумати ва халқи томонидан кўрсатилган беминнат ёрдами чуқур ҳис этиб турибмиз. Бундай илқ муносабатни Хитой юксак қадрлайди. Биз яхши англаймизки, бу шунчаки юк эмас. Чин юртига керакли махсулотлар билан бирга чуқур бирдамлик ҳис-туйғуси йўланмоқда.

Гуманитар юк таркибида энг зарур махсулотлар — стерилланган бир мартали кўпоқлар, химоя комбинезонлари, юз учун филтёрлаш ниқоблари ва бошқа махсулотлар мавжуд.

— Ўзбекистон ва Хитой азалий дўст, — дейди Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирини ўринбосари Дилшод Аҳатов. — Мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари яхши ривожланмоқда. Ўзбекистондан Хитойга жўнатилган инсонпарварлик юки ҳам икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги юқори даражасини акс эттиради.

Коронавирус билан боғлиқ вазиятни инобатга олиб, Президентимизнинг тегишли фармойиши қабул қилинди. Фармойишга мувофиқ, хавфли касаллик Ўзбекистонга кириб келишининг олдини олиш бўйича барча чоралар кўриш зарурлиги



белгиланган. Хусусан, мамлакатимизда санитария-карантин пунктлари ташкил этилиб, шифокорлар, янги инфекционист ва эпидемиологлар, тиббий хизматчилар навбатчилиги жорий этилган. ХХРдан олиб келинаётган юрдошларимиз санитария-карантин пунктларидан ўтиб, қатъий тиббий назоратга олинмоқда.

— Ҳозиргача Ухань ва Пекин шаҳарларидан 584 нафар Ўзбекистон фуқароси олиб келинди, — дейди соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Баҳодир Юсупалиев. — Улар 14 кунга алоҳида ажратилган тиббий муассасаларга жойлаштирилган. Сабаби, коронавирус касаллигида 14 кун инкубацион давр ҳисобланади. Фуқаролар шу вақт ичида доимий кузатувда бўлади. Ушбу муассасаларда барча зарур шaroит яратилган. Дори-дармон захираси етарли, шифокорлар назорати ўрнатилган.

Айни пайтда Фавкуллода вазиятлар вазирлиги томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда инсонпарварлик ёрдамнинг иккинчи босқичини шакллантириш бошланган.

**Ҳ.ХОННАЗАРОВ, ЎЗА мухбири**

## ХОДИМ ИМКОНИЯТЛАРИДАН ҚАНДАЙ УНУМЛИ ФЙДАЛАНИШ МУМКИН?

**Юртимизда кичик бизнес ва тадбиркорлик билан шуғулланувчилар кўпчилиги ташкил этади. Бу жараёнда кимнингдир иши юришса, яна кимнингдир иши ўнганмай, муаммоларга ҳам дуч келади.**

Тўғри, давлатимиз томонидан улар учун барча қулайликлар яратилаётган. Аммо бундай имкониятдан ҳамма ҳам бирдек фойдалана олмаслиги уларнинг фақат илм-заковати ва салоҳиятига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Тадбиркор учун даромаднинг асосий манбаи маблағ, аммо уни тўғри йўналтиришда билим, ишбилармонлик хусусиятлари, мотивация ва ходимларни бошқариш салоҳияти зарур бўлади.

Шу мақсадда Тошкентда “Мотивация ва ходимларни бошқариш” мавзусида тренинг ташкил этилди.

Юртимиз тадбиркорлари бундай салоҳиятга қандай эга бўлиши мумкин? Шу савол билан “Lochin mould” компанияси директори ёрдамчиси Лазизхон Бакировга мурожаат қилдик.

– “Мотивация ва ходимларни бошқариш” мавзусидаги тренинг ҳам шу мақсадда ташкил этилган. Мақсадимиз тадбиркорлик соҳасида билимимизни ошириш, ходимларни бошқариш бўйича малакага эга бўлиш. 2014 йилдан буён фаолият кўрсатаётган компаниямиз пластмасса ва резина маҳсулотлари учун қўлиб ишлаб чиқаради. 150 дан ортиқ ишчи-ходим меҳнат қилади. Улар билан ишлаш, бошқаришда бу каби ўқувлар зарур. Мана шундай тадбирлар тадбиркорни ҳақиқий ишбилармонга айлантиради, малакасини оширади. Фикримни мисоллар билан изоҳлай. Ҳар бир тадбиркор ёки раҳбарнинг иши баракали бўлишида, аввало, ходимларни бошқара олиши мумкин. Дейлик, ходим 1 миллион 200 минг сўм маош олса, у бу пулни нимага етказиши? Кредит тўлашгами ё рўзгор тебратишга? У ишда хотиржам бўлмайди, иш берувчи ҳам бу ходим имкониятидан тўлиқ фойдалана олмайди. Ходимга эҳтиёжи учун етарли маош берилса, у имкониятларини тўлиқ ишга солади. Оиласи тинч бўлади, хотиржам ишлайди, демек иш берувчига ҳам наф келтиради, – деди Л.Бакиров.

Таъкидлаш кераки, тадбир “Perfect Consulting Group” компанияси томонидан ташкил этилган тўртинчи тренинг ҳисобланади. У ўзида 900 дан ортиқ бизнес эгалари, тадбиркорлар, бошқарувчилар, менежерлар ва директорларни қамраб олган. Мақсад мамлакатимизда тобора кенгайиб бораётган тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.

– Иштирокчиларга тадбиркорлик фаолияти йўлидаги имтиёзлар, ходимлар мотивациясини бошқариш, ходимларни ишга олишда муҳим қондалар каби омиллар бўйича йўл-йўриқлар кўрсатилди. Шунингдек, “Маслоу пирамидаси. FIX, FLEX техникалари” борасида тушунчалар ҳосил қилди. Бу эса кичик бизнес вакиллари ва тадбиркорларнинг фаолиятида катта аҳамиятга эга, – деди “Perfect Consulting Group” компанияси директори ўринбосари Жа-сур Норов.

Тренинг доирасида китоблар савдо-кўрғазмаси ҳам ўтказилди.  
**Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА,**  
**ЎЗА МУХБИРИ**

**Бугун республикамизда бўлаётган ўзгаришлар, ислохотлар замирида биргина омил – аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилашга қаратилган. Албатта, сўнгги уч йилни сарҳисоб қиладиган бўлсак, мамлакатдаги асосий ўзгаришлар яққол кўзга ташланади.**

Бу ўринда қурилиш соҳаси ҳам сўзсиз олд ўринларни эгаллаб турибди. Утган даврда Ўзбекистонда қурилиш индустрияси шаклланди, деб айтиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Қурилиш вазирлиги томонидан ўтказилган матбуот анжуманида бу жиҳатлар алоҳида қайд этилди.

Унда соҳага ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз борди.

Давлатимиз раҳбари ўзининг қатор чиқишларида мамлакатимиздаги қурилиш ишларини жадаллаштириш, бу жараёнда, аввало сифат ва самарадорликни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб, қурилишни коррупциясиз соҳага айлантириш, шаффофликни кучайтириш, ахборот коммуникация технологияларини имкониятларидан самарали фойдаланиш бўйича кўрсатмалар берган.

Президентимизнинг 2019 йил 20 сентябрдаги “Қурилиш соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида соҳада катта ўзгаришлар бошланди. Қолаверса, жорий йилнинг 7 январь санасида Президентимиз қурилиш соҳасидаги ислохотларни янада жадаллаштириш бўйича устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказди. Йиғилишда ҳам галдаги амалга оширилаётган ишлар аниқ белгилаб берилди.

Тадбирда иштирок этган журналистлар ўзларини қизиқтирган қўллаб-қувватларга жавоб олишди. Ҳўш, янги электрон тизим қурилиш соҳасидаги бинолар сифати борасидаги камчиликларни бартараф этишда ечим бўла оладими? Мазкур тизимнинг бутун республика миқёсида тўлақонли жорий этилиши борасида бугун нималар қилинмоқда?

Бугунги кунда вазирлик томонидан бир қатор электрон дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, қурилиш соҳасида коррупция ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали қурилиш жараёнининг барча босқичида жамоатчилик учун шаффофликни таъминлаш мақсадида “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими устида мутахассислар иш

14 февраль – Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун



## АДАБИЙ МУЛОҚОТЛАРИМИЗ БАРДАВОМ

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига афғонистонлик 20 нафар ўзбек делегацияси келди.**

Шоир-ёзувчилар, навоий-шунос ва бобуршунослардан иборат делегация аъзолари мамлакатимиздаги адабий жараён, сўз санъати раванги йўлида кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик билан танишди.

Учрашув гоят самимий, дўстона руҳда, яна ҳам аниқроғи гурунг тарзида ўтказилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси С.Сайид меҳмонларга юртимизда адабиёт ривожини йўлида Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан изчиллик билан амалга оширилаётган эзгу ташаббуслар ҳақида сўзлаб берди. Миллий сўз санъатимизни, маънавият ва маърифатни, таълим-тарбияни ривожлантириш, адабиёт заҳматқашлари учун рағбат ва эътибор кўрсатиш, китобхонлик маданиятини кўсатириш, буюк аждодларимизнинг бой маънавий меросини асраб-авайлаш борасидаги эзгу савий-ҳаракатлар афғонистонлик ўзбек зиёлиларида катта таассурот қолдирди.

Таъкидлаш жоизки, афғонистонлик меҳмонлар шу кунларда Алишер Навоий ва Бобур таваллудини муносабати билан юртимизда бўлиб турибди. Улар бобокалонларимизнинг ижодига бағишланган анжуманлар, давра суҳбатлари, мушоиралар, адабий мулоқотларда иштирок этмоқда.

– Ўзбекистонда буюк мутафаккирларнинг ижодий меросига чекирс ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилиши диққатга сазовор, – деди афғонистонлик шоир Фуломсаҳий Вакилзода. – Биз икки давлат ижодкор зиёлилари ўртасидаги маърифий ҳамкорлик янада мустаҳкам-лаштиришни истаймиз.

Суҳбатлардан маълум бўлдики, ҳукumat билан узок музокаралардан сўнг, 21 октябрь – Афғонистонда “Ўзбек тили кунини” деб белгиланибди.

Афғонистонликлар XX аср ўзбек адабиёти асарларини араб имлосига асосланган ўз алифбосига ўғириб, нашр қилишни режалаштирган. Ушбу мамлакатдаги Жузжон билим юрти домласи Нуруллоҳ Олтойнинг айтишича, замонавий ўзбек адабиётига русча сўзлар аёвсиз равишда, чекланмаган миқдорда кириб келган. Афғонистондаги ўзбеклар эса бу сўзларни тушунмайди.

– Масалан, Тоғай Мурод асарларида бундай сўзлар талайгина. Имлони ўғириб қараганда русча сўзларни ўзбек тилига таржима қилсак, муаллифлик ҳуқуқини бузиб қўймасмикинми, – дейди у хавотирланиб.

Дарҳақиқат, афғон юртининг ижодкор зиёлилари мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталикка, тарраққиёт, фаровонлик ва тўқилликка йўналтирилган ислохотларга ҳавас қилгани, шубҳасиз. Ўз навбатида, афғонистонлик миллатдошларимизнинг ўз она тили – ўзбек тилига ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлиши, уни асраб-авайлаш, бу тилда гоят соф ва раван, мукамал сўзлаши таҳсинга лойиқ.

Учрашув сўнггида меҳмонларга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси “Ижод” жамоат фонди томонидан нашр этилган Абдулла Қодирий, Абдулла Орипов, Ибройим Юсуповнинг “Сайланма” китоблари совға қилинди. Уларга эсдалик учун миллий тўн ва дўппи кийдирилди.

Меҳмонлар ҳам уюшма жамоасига совғалар топширдилар. Улар совғаси орасида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримкул Қодириновнинг араб имлосига асосланган ўзбек алифбосидаги “Юлдузли тунлар” китоби ҳам бор экан. Бу каби мулоқотлар адабий жараённинг боийишида ва ранг-баранглашувида муҳим аҳамият касб этади.

(ЎЗА)

## ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА АЖДОДЛАР МЕРОСИ

**Бугунги кунда ўзбек адабиёти, маънавий меросини чуқур ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Барча мактаб ва таълим муассасаларида Алишер Навоий таваллудининг 579 йиллиги ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 537 йиллиги кенг кўламда нишонланмоқда.**

Халқ таълими вазирлиги Тошкент шаҳар халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказида “Буюк сиймоларга ҳурмат ва эҳтиром” мавзусида ўтказилган тадбир ҳам шулар жумласидан.

Тадбирда “Тилларни ўқитиш методикаси” кафедраси катта ўқитувчиси, филология фанлари номзооди Ф.Эшмонов сўзга чиқиб, икки буюк забардаст сиймо – Алишер Навоий ва Заҳириддин

Муҳаммад Бобур ижодиёти ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясида муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтди. Буюк сиймолар ҳаёти ҳақида маълумотлар берди.

Шунингдек, “Тилларни ўқитиш методикаси” кафедраси тингловчилари ўз чиқишлари билан иштирок этишди. Бобокалонларимиз ижодидан ижро этилган намуналар йиғилганларга манзур бўлди.

Чилонзор туманидаги 195А-

сонли мактаб ўқувчилари ҳам иштирок этган тадбир ўзгача тарзда ўтди. Ўқувчиларнинг байрамга катта тайёргарлик кўришгани саҳна чиқишларида намоён бўлди. Ушбу ҳамкорлик тадбири барча иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

**ДНОХОН МАШАРИПОВА,**  
**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ихтисослашган мактаб-интернати она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси**

бўлишининг олдини олади. Яна бир муҳим жиҳат бор, бунда лойиҳачи ва унинг ишини кўриб чиққан инспектор бир-бирларини кўрмайди ва табиийки натижада коррупцияга йўл қўйилмайди.

“Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими 2021 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида реал вақт режимида ишлаб бошлайди. Шунингдек, соҳага “Шаҳарсозлик кадастри” Геоахборот тизими жорий этилади. Ушбу тизимга Ўзбекистон Республикасининг бош режалари жойлаштирилади, уни жорий йилнинг 1 мартидан ишга тушириш белгиланган.

Геоахборот тизими аҳоли пунктларининг истиқболини белгилловчи шаҳарсозлик ҳужжатларини: бош режаларни, батафсил режалаштириш лойиҳалари ва ҳудудларни меъморий режалаштириш лойиҳаларини ўз ичига олади. Фойдаланувчилар, Геоахборот тизими орқали:

- режалаштирилаётган қурилишлар;
- бузилишга тушган ҳудудлар;
- муҳандислик тармоқлари тўғрисида батафсил маълумотларга эга бўласиз.

Яна бир маълумот, вазирлик расмий сайтида “қурилиш жараёни калькулятор” жойлаштирилиши режалаштирилган. Истаган киши, у инвестор бўладими ёки маҳаллий тадбиркор ундан хоҳлаган вақтида фойдаланиши мумкин. Дейлик, бирор бир объект қурмоқчи. Бунинг учун ишни нимадан бошлаш керак, қандай босқичлардан ўтилади ёки қайси ҳужжатлар талаб этилади, қўйинги сарфланадиган маблағ ва вақт ҳам унда аниқ кўрсатилди.

Ушбу ўзгаришларнинг барчаси қонунчиликда ҳам ўз аксини топади. Жорий 2020 йилда жами 60 та янги нормаларни ишлаб чиқиб, амалиётга киритиш режалаштирилган. Бу борадаги ишлар 2025 йилга қадар давом этади.

Қуни кеча “Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг Қурилиш соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” Ҳукуmat қарори қабул қилинди.

Қарор билан Қурилиш соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази тузилмаси тасдиқланди. Ушбу марказ Президентнинг 2019 йил 20 сентябрдаги қарорига асосан ташкил этилди.

Анжуманда қурилиш соҳасидаги янги қонун ва қонуности ҳужжатлари ва соҳада меҳнат муҳофазасини қай даражада таъминланмоқда каби саволларга батафсил жавоб берилди.

**Зиёда РАСУЛОВА**

## ЗИЁРАТЧИЛАР УЧУН БАРЧА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИЛМОҚДА

**Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идораси ходимлари иштирокида матбуот анжумани ўтказилди.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раисининг биринчи ўринбосари Музаффар Комилов ва бошқалар сўнгги йилларда Президентимиз ташаббуси билан Умра сафарини ташкил этиш учун зиёратчиларга янада кўпроқ имкониятлар яратишга жиддий эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Анжуманда Дин ишлари бўйича қўмита ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида мамлакатимиз ҳудудида Умра учун навбатларнинг сезиларли даражада камайганига эришилгани, ҳозир аксарият ҳудудларда, жумладан, Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё, Сирдарё, Хоразм, Жиззах, Навоий вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида жорий навбатлар тугатилгани қайд этилди.

Утган йили муайян имкониятлар доирасида рейсларни кўпайтириш бўйича тегишли тартибда ишлар олиб борилиб, улар ўз натижасини бермоқда. 2019 йил 14 ноябрдан бошлаб юртимизда мунтазам кунлик рейслар, 10 декабрдан эса кунига иккитадан рейс амалга оширилмоқда. Тадбир давомида фуқароларимизнинг Умра сафарига бориш истакларини тўлақонли таъминлаш ҳамда мавжуд навбатни тезроқ тугатиш мақсадида қисқа фурсат давомида “Тошкент – Мадина – Тошкент” йўналишида кўшимча учинчи рейсни йўлга қўйиш бўйича амалий савий-ҳаракатлар олиб борилаётгани хусусида маълумот берилди. Муборак сафарга отланганлар учун эллибчилик, моҳир шифокорлар, ошпазлар хизмати ҳам кенг йўлга қўйилган.

Сир эмаски, авваллари Умра сафарига боришга муайян квоталар белгиланган эди. Унга кўра илгарилари бир йилда олти минг нафар атофридаги ҳамюртимиз Умра зиёратига борарди. 2017 йили бу кўрсаткич 10 минг нафарга етказилди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Умрага бориш иштиёқидаги фуқароларимизнинг орзу-истакларини амалга оширишнинг ягона йўли сифатида ҳар қандай квота-чекловлар олиб ташланди. Ҳозир Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ва ваколатли орган бўлган Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан ташкил этилаётган Умра ибодатларини тўлақонли амалга ошириш учун барча шароит яратилди. Бу борадаги имкониятлар сифат жиҳатдан кун сайин яхшиланиб бораётгани диққатга сазовордир.

Матбуот анжуманида 2020 йил 1 февралдан биринчи рейс “Тошкент – Жидда”, иккинчи рейс эса “Тошкент – Мадина” йўналишида ташкил этилгани, жорий йилнинг 10 мартдан бошлаб учинчи рейс йўлга қўйилса, “Тошкент – Жидда” йўналишида битта, “Тошкент – Мадина” йўналишида эса иккита рейс амалга оширилиши маълум қилинди.

Шунингдек, тадбирда 2019 йилнинг 14 ноябрдан бошлаб ҳар кун биттадан аварейс йўлга қўйилган бўлса, 10 декабрдан бошлаб кунлик аварейслар сони 2 тага етгани, ҳозирга қадар жами 38 мингга яқин фуқаро Умра зиёратини адо этиб қайтгани айтилди.

Буларнинг барчаси Президентимизнинг “Халқни рози қилиш керак”, деган эзгу тамойили асосида ҳаётга жорий этилаётгани, юртдошларимизнинг Умра амаллари хавфсиз, ишончли ва энг муҳими, ибодатлари мукамал бўлиши йўлидаги амалий эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин намунаси.

## ЎЗБЕКИСТОНЛИК 8 БОЛА GERMANYA КЛИНИКАЛАРИДА ДАВОЛАНАДИ

**Кам таъминланган ва ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларнинг туғма оёқ нуқсонини, мушаклар тортилиши, терининг қуйиш асоратлари ташхиси қўйилган 8 фарзанди даволаниш учун Германияга жўнаб кетди.**

– Улар 6 ойдан 3 йилгача бўлган муддатда Германия клиникаларида даволаниб қайтди. Бу болаларга фондимизнинг масъул ходимлари ҳамроҳлик қилади, – деди “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди бўлим бошлиғи Жумабек Нуров.

2002 йилда “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Германиянинг “Friedensdorf International” халқаро ташкилоти ўртасида уч томонлама ҳамкорлик битими имзоланган эди. Ҳамкорлик доирасида 12 ёшгача бўлган бемор ва ногиронлиги бўлган болаларга юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатилмоқда. 2002 – 2019 йиллар давомида 387 ўзбекистонлик бемор бола терининг қуйиш асоратлари, туғма қўл-оёқ бўғимлари ва бошқа ташхислар билан Германиянинг нуфузли клиникаларида даволанди.

Ушбу халқаро ташкилотнинг грант маблағлари ҳисобидан 2018 йилда республика бўйича туғма лаб-танглайи нуқсонини бўлган 127 ногирон болада жамроҳлик амалиёти ўтказилди. “Чиройли оёқчалар” лойиҳаси доирасида туғма оёқ нуқсонини (маймоқлик) ва қийишқ бўйин ташхиси бор 89 нафар 15 ёшгача бўлган бола операция қилинди. Тери қуйиши асоратлари сабаб 31 бола пластик операция бўлди.

Жорий йил 16 февраль кунини Германияда соғломлаштирилган 9 бемор бола юртимизга қайтиб келади.

(ЎЗА)

**2020 йил – Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили**

**ИЖОДИЙ ЯНГИЛАНИШ ЙЎЛИДА**

**Мамлакатимиз раҳбарининг жорий йил 24 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этган Мурожаатномаси асосида барча вазирлик ва идоралар, ташкилотлар, ижодий тузилмалар тегишли тарзда ўзларининг келгусидаги фаолият йўналишларини белгилаб олмақда. Бу жиҳатлар Ўзбекистон Бадий академияси фаолиятида ҳам ўзининг яққол ифодасини топмақда.**

Айтиш жоизки, Президентимизнинг 2017 йил 16 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Бадий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори академия фаолиятида муҳим ҳужжат бўлиб хизмат қилапти.

– 2017 – 2019 йиллар давомида ёшлар ўртасида халқро даражада 6 та ижодий танлов, 3 та фестивал, 3 та биеннале ва 5 та илмий-амалий конференция ўтказилди, шунингдек, хорижий давлатларда 185 нафар ижодкорларимизнинг асарлари намойиш этилди, – деди Бадий академия матбуот котиби Қаҳрамон Қўлдошев. – Сўнгги икки йилда замонавий қаҳрамонлари образини яратиш борасида "Замон қаҳрамони: кеча ва бугун", "Замонавий қаҳрамон образи" мавзуларида рангтаъсир, фотоасар ва ҳайкалтарошлик йўналишларида ижодий танловлар ўтказилиб, 90 нафар замонавий қаҳрамон образлари яратилди. 2020 йилда ҳам соҳада фаолият жа-

дал давом эттирилиши кўзда тутилган. Жумладан, "Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"га бағишлаб халқро даражада болалар санъатига бағишланган биеннале – "Тошкент қувончлари" VIII халқро болалар расмлари биенналесини, анъанавий ёшлар тасвирий ва амалий санъат фестивали, IX Тошкент халқро замонавий санъат биенналесини ўтказишни режалаштирган. Шунингдек, халқро конференциялар, "Ёш мусаввир кизлар", "Навқирон Ўзбекистон" ёшлар республика танловлари ўтказилиши кўзда тутилган.

Маълумки, бу йил Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабага 75 йил тўлади. Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 23 октябрдаги "Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш юзасида Бадий академия томонидан уруш қатнашчиларининг қаҳрамонликлари ва воқеалари акс эттирилган фотокургазмалар, тасвирий санъат асарлари кургазмала-

ри ташкил этилади.

Президентимиз 2019 йил 25 июнь куни Олмазор туманидаги генерал Собир Раҳимов ҳайкали ўрнатилган хиббонда бўлиб, "Ғалаба боғи" қурилиши бўйича тегишли топшириқлар берган эди. Улар асосида боғ концепцияси ишлаб чиқилган. Ғалаба боғида ўрнатиладиган ёдгорлик мажмуаларини яратиш бўйича белгиланган муддатларда ижодий танловлар ўтказилиб муаллиф ва ижрочилар аниқланди. Ҳайкалтарошлар Баҳром Норбоев ва Жасвант Анназаровнинг "Матонат мадҳияси" деб ном олган, Зулфия Зокирова ва унинг фронтдан қайтмаган беш ўғли, садокатли келини хотирасига атаб ўрнатиладиган ёдгорлик мажмуаси лойиҳаси бўйича яратган эскиз вариант, ҳайкалтарошлар Йигитали Бокиев ва Ўткир Асроров томонидан Боғ мажмуасида музейга кириш қисмида мавзуга оид монументал барельеф лойиҳаси бўйича яратилган эскиз вариант ишлаб чиқилди. Генерал Собир Раҳимов ҳайкали марказий фигура этиб

олинган ҳолда уруш қаҳрамонлари образи акс этган монументал композиция ва маҳобатли стелла лойиҳаси бўйича Жасвант Анназаров яратган эскиз варианты, Ленинград қамалидан эвакуация қилинган болалар, қариялар, фан, таълим, адабиёт ва санъат намояндалари ва бошқа соҳа вакиллари халқимиз томонидан кўрсатилган бағрикенглик мавзуларида яратиладиган мажмуа лойиҳаси бўйича Эдуард Сафарян эскиз яратди. Бугунги кунда ижодкорлар томонидан ҳайкалларни яратиш шароити фаол олиб борилмоқда.

2020 йилда буюк мусаввир Камолиддин Бехзод таваллудига 565 йил тўлади. Шу муносабат билан мажмур санани кенг нишонлаш юзасидан халқро симпозиум ташкил этилиши, Камолиддин Бехзод номидаги Миллий расмомлик ва дизайн институти ҳамда Камолиддин Бехзод номидаги Шарқ миниатюра санъати музейининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва улар фаолияти самарадорлигини ошириш кўзланган.

Худудларда санъат галереяларини очиб, бу борада мавжуд муаммоларни бартараф этиш ишлари давом эттирилади. 2020 йил давомида режа асосида муҳим саналарга бағишланган ҳамда ижодкорларнинг шахсий ижодини намойиш этишга оид 500 дан зиёд кургазма ва тадбирлар ташкил этилади.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган беш ташаббусни ҳаётга жорий этишда Бадий академия ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Буларнинг бари миллий тасвирий ва амалий санъатимизни янада ривожлантиришга ҳисса қўшиши шубҳасиз.

**Назозат УСМОНОВА,**  
**ЎЗА мухбири**

**Йўл қоидаси – умр фойдаси**

**Кўнгилисизликларни биргаликда олдини ОЛАЙЛИК**

**Транспорт қоидаларига риоя қилиш фуқароларимизни турли кўнгилисизликлардан сақлайди. Эҳтиётсизлик ва бепарволик кўплаб салбий ҳолатларни келтириб чиқариши барчага аён.**

Ўтган йил давомида шахримиздан ўтувчи темир йўлларда кўп мартаба турли кўринишдаги бахтсиз ҳодисалар юзга келди. Содир бўлаётган бахтсиз ҳодисаларни таҳлил қилганимизда фуқароларимизни транспорт қоидаларига амал қилмасликлари, уларни била туриб қоидаларни кўпол равишда бузганликлари кўришимиз мумкин. Бу йил бундай кўнгилисиз ҳодисаларнинг содир этилишининг олдини олиш борасида Бошқарма ходимлари томонидан асосий эътиборни профилактик тадбирларга қаратилмоқда.

Фуқароларимизни темир йўл билан боғлиқ бахтсиз ҳодиса, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида Бошқарма хизмат кўрсатиш худудидан ўтувчи темир йўлларга яқин жойлашган ўрта мактаб, коллеж ва маҳалларда йиғилиш, учрашувлар ўтказилмоқда. Бу каби тадбирларда фуқаролар ва воғга етмаган ўсмирларга транспорт қоидаларига амал қилишлик муҳимлиги, уларга тўла риоя этиш борасида тушунчалар бериб берилмоқда. Олиб борилаётган тадбирлар давомида нафақат транспорт қоидалари, қолаверса "Диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш", "Одам савдоси", "Ёшлар орасида гиёҳвандлик моддаларининг тарқалишини олдини олиш" каби жиноятлар ҳақида ҳам суҳбатлар ўтказилмоқда. Ноқонуний ҳатти-ҳаракатнинг охири вой бўлиши тушунтириб берилмоқда. Негаки жиноятнинг охиридан кўра, унинг олдини олиш энгилроқ.

Фуқаролар ва ёш ўсмирларнинг ҳуқуқий онгини ошириш биринчи галдаги вазифаларимиздан биридир. Уларни адашиб жиноят оламига кириб қолишларининг олдини олиш муҳим масалалардан ҳисобланади. Бу борада олиб борилаётган профилактик чора-тадбирларимизга янада кенгрок ёндошиб ҳар хил кўнгилисиз ҳодисалар юзга келишининг олдини олиш борасида керакли чора-тадбирлар олиб берилмоқда.

Шу ўринда Бошқарма ходимлари темир йўлга яқин жойлашган маҳалла фуқаролари йиғини раислари, маҳалла посбонлари, кўча бошлиқлари, хотин-кизлар раислардан маҳалларда темир йўлларда турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида йиғилиш ва суҳбатларни кўпроқ олиб боришларини сўраб қоламиз.

**Бобур МУХАММАДЖОНОВ,**  
**Тошкент Минтақаси темир йўл транспортда ХТБ ХПБ инспектори, лейтенант**

**ЎЗГАЧА КўРИНИШДА БўЛИБ ЎТДИ**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида айтиб ўтганидек, "тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда".**

Дарҳақиқат, бугунги кунда электрон ҳужжатлар юритиш, дастурлаш ва онлайн дарсларни ташкил этиш бўйича юртимизда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизнинг ҳар бир таълим муассасасида ҳам ёшлар томонидан ахборот технологиялари билимларини чуқур эгаллашлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган.

Бу сўзларнинг исботи сифатида куни кеча Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтига тахсил олаётган курсантларнинг ахборот технологиялари ва дастурлаш ишлари бўйича олган билимлари, интеллектуал салоҳияти, ҳуқуқий ва маънавий саводхонлиги, зукколиги ва эпчиллигини синовдан ўтказиш мақсадида "Балли йиғитлар" кўрик-танлови ташкил этилди.

Мазкур танловда 1, 2, 3, 4-босқич курсантлари ва муддатли ҳарбий хизматчилардан ташкил топган жамоалар икки босқичда беллашдилар. Дастлабки шартларда жамоаларнинг махсус дастурлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича назарий ва амалий билимлари электрон тарзда баҳоланди. Иккинчи босқичда эса иштирокчилар ҳуқуқий ва маънавий саводхонлигини амалда кўрсатишлари учун эркин мавзуда саҳна кўринишлари тайёрладилар. Ҳакамларнинг якуний ҳисоб-китобларига кўра 3-босқич курсантларидан ташкил топган "Соҳибқирон" жамоаси ғолибликни қўлга киритди.

– "Балли йиғитлар" беллашувининг асосий мақсади курсантларнинг ахборот технологиялари соҳасидаги билимлари даражасини ошириш, уларни ҳам маънан, ҳам жисмонан бақувват этиб камолга етказиш, она юртимизни севиш ва халқро ареналарда энг илғор давлатлар қаторида бўлишига ҳисса қўшиши лозимлигини англатишдан иборатдир. Биз ўз жамоамиз билан бу кўрик-танловда биринчиликни қўлга киритишга пухта тайёргарлик кўрган эдик ва ғолиб бўлдик, – дейди "Соҳибқирон" жамоаси сардори.


Шунингдек, тадбир давомида ўз чиқишларини намойиш этган институт оркестр жамоаси, бадий ҳаваскорлик ва жанговар ҳарбий санъат ҳаракатларини намойиш қилувчи гуруҳлар йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Танлов сўнггида эса барча ғолиб жамоа ва фаол иштирокчилар турли номинацияларда диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Нафосат ЗАФАРОВА,**  
**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси**  
**Матбуот хизмати етакчи мутахассиси**

**БОШҚОТИРМА**

1. "Шарқий ўлка" номини олган Европадаги давлат. 2. Индеецлар тилида "булоқлар ороли" дейиладиган орол. 3. Самарқанд шаҳрининг дастлабки номи, "қора сув тепалиги". 4. Қизилқум ўртасидаги "тўғон", "қалъа" тоғ. 5. Туркийча "катта сув", славянча "нам", фин тилида "муқаддас" деб юритиладиган Европадаги улуг дарё. 6. "Сув худоси", "сув маликаси" деб номланиб, икки ярим минг йилдан бери турлича исм олган дёризмиздаги дарё. 7. Осиёдаги "жар бўйидаги қишлоқ" дарёси. 8. Касбий денгизининг илгариги ўттиз бир номидан бири. 9. Шимолий Америкадаги "катта, улуг қўл". 10. Россиядаги "тақача" пойтахт шаҳар. 11. Ўзбекистон жанубидаги "тор, ингичка тоғ". 12. Марказий Осиёдаги ўз номи билан "чўл". 13. Қирғиз хонларининг, шахзодаларининг унвонини олган музлик. 14. Фарбий Хитойдаги "тош тоғ" шаҳри. 15. "Буғ отилиб турган жой" деб номланган Европадаги пойтахт шаҳар. 16. Заҳириддин Мухаммад Бобурнинг изоҳи бўйича "бодом шаҳри" маъносини олган Фарғона водийсидаги шаҳар. 17. Маҳаллий тилда "қўллар ери" деб номланган Филиппин ороллари таркибига кирувчи орол. 18. "Шўр", "Жайхун", "Хоразм" каби йиғирмага яқин ном билан аталган денгиз. 19. Мамлакат шарқидagi тоғлар усти қишда қалин қорга бурканганидан "оқ тоғлар" деб аталган Ўртаер денгизи бўйидаги давлат. 20. Хитойдаги "жанубий пойтахт" – йирик шаҳар. 21. Франциядаги "шимолий кишилар ўлкаси" вилояти. 22. Осиё шимолидаги "ер чеккаси" ярим ороли. 23. АҚШ фарбидagi "фаршита" шаҳри. 24. Қозғистон Республикасининг мамлакатимизга чегарадош "қорақат дарахти" аҳоли пункти. 25. Сирдарё бўйидаги "тўрт жар" сув омбори. 26. Туркиядаги "қарвонсарой", "бекат" шаҳри. 27. Атлантика океанидаги қирғий ва қарчиғайлар кўп бўлган "лочин" тўда ороллари. 28. Ҳоким, беклар мамлақати" ҳисобланган Хиндистон шимолидаги штат. 29. Африкадаги "азим сув" қўли. 30. "Амстел дарёсидаги дамба" пойтахт шаҳри.

Тузувчи Шавкат Ҳидоятлов



**ФАРДЛАР**

**Англаш**  
**Одам келиб кетавераркан,**  
**Ҳаёт давом этавераркан.**

**Ҳақиқат**  
**Майли яша, Ўзинанга хос,**  
**Фақат сўйла, ҳақиқатни рост.**

**Унуттиш**  
**Қачон биров ўлар, деб кутма,**  
**Ўзинг кетишингни ҳеч ҳам унутма!**

**Жўра**  
**Бировни тафтиш қилгандан кўра,**  
**Ўзини тузатган авлароқ жўра.**

**Ҳалоллик**  
**Ҳақиқатни донолар дегай,**  
**Фақат улар ҳалолдан егай.**

**Камтар**  
**Кушлар ичинда топилиб камтар,**  
**Эъозларан шунинг учун кабутар.**

**Нуриддин ЯҲЁ**

**Реклама ва эълонлар**

Тошкент шаҳри Олмазор тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 02.10.2015 йилда № 008545-05 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган "LION LAND" МЧЖ (СТИР 303456237) таъсисчиларининг 31.07.2019 йилдаги қарорига асосан

**ТУГАТИЛАДИ**

Давлолар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Олмазор тумани, Иброҳим ота тор кўчаси, 86-уй манзилида қабул қилинади. Телефон: +99890 319-06-06.

Тошкент шаҳри М.Улугбек тумани "Ягона дарча" маркази томонидан 03.11.2017 йилда № 551766 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган "UNIQUE INNOVATION SERVICE" МЧЖ (СТИР 305120639) таъсисчиларининг 01.11.2019 йилдаги № 2-сонли баённомасига асосан

**ТУГАТИЛАДИ**

Давлолар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида М.Улугбек тумани, Қодирова кўчаси, 30-уй, 49-хондон манзилида қабул қилинади. Телефон: +99890 924-80-17.

Тошкент меҳмонхона хўжалиги ва сервис касб-ҳунар коллежи томонидан 2014 йилда Узгариров Иzzатжон Ғайратжон ўғли номига берилган К № 3541902 рақамли (96123 рўйхат рақамли) диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли


**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар, Яқкасарой туманидаги 26-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2006 йилда Адиллов Шухрат Джураҳоджаевич номига берилган U N 2273898 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридagi Олий аттестация комиссияси томонидан Негматова Комила Сайибжановна номига 29.12.2018 йилда берилган 05 № 003047 рақамли (раёсат қарори 260/1) профессорлик дипломи йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**



1 даража илик, кундузи – 10-12 даража илик бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 14 февралда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратиб, ифосаланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 14 февраль куни ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундица 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси – 1 даража совуқ,